

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Н.Бувақов

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

АДАБИЁТШУНОСЛИК**Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

Г.Эрназарова

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

С.Жумаева

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

А.Тўйчиев

Нурали Қобул ижодига умумий назар 106

ТИЛШУНОСЛИК**Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

А.Мамажонов, А.Абдуллаев

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида 114

Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи 119

Н.Умарова

Навоий асарларида “сўз” концепти 126

И.Мадраҳимов

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси 130

Д.Мадазизова

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

А.Саминов

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглار ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида 142

Ш.Бойханов

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги 147

З.Позилжонова

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

ИЛМИЙ АХБОРОТ**С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожини ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

Н.Комилов

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) 157

М.Болтабоев

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи 161

С.Юлдашев

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши 164

ритмик интонацияни кучайтириш мақсадида айрим мисраларни бўлиб ташлайди:
 Бир тарафда сенинг кўзинг = 8 (4+4)
 кулмақдадир, ай юлдуз! = 7 (4+3) а
 Бир тарафда жигаримни = 8 (4+4)
 тилмақдадир, гўзал қиз, = 7 (4+3) а
 Сенинг ўткир кўзларинг! = 7 (4+3) б [1;69]

Бунда узун мисралар саккиз бўғиндан, қисқа мисралар етти бўғиндан иборат бўлиб, ўн беш бўғинли бармоқ вазнини ҳосил қилмоқда. Бўлинган мисраларни тиклаб бир қаторга жойлаштирган тақдирда ҳам унинг вазнига таъсир қилмайди. “Мисраларнинг қатъий тартибда бўлингани шеърнинг ритмик хусусиятларига, оҳангига муайян ўзгаришлар киритади ва унинг таъсирдорлигини оширади... Демак, кўшма вазн деганда, мисралар кўшилганда изосиллабизм (бўғинлар миқдорининг тенглиги) тикланадиган шеърларни тушуниш лозим экан”. [7;334] Масалан, Чўлпоннинг “Қиз кўшиғи” шеъри ўн бир бўғинли бармоқ вазнида ёзилган.

Ўксуз кўнгил қуши = 6
 Тушди қафасга = 5
 Сира етолмайдир = 6
 Эркин нафасга = 5

Қора кунлар тушди/ менинг бошимга. = 11 (6+5) [1;66]

Бу банднинг график шакли, агарда вазни эшитишга қараб белгилайдиган бўлсак, бўлинган мисралар ўз қаторига қўйилса, 6+5=11 вазн ҳосил бўлади. Демак, юқоридагидек ритмик бўлиниш унинг оҳангига таъсир қилиб, шеър маъносини кучайтиради. Шу жиҳатдан шеър вазнини белгилашда график шаклга эмас, балки “қулоқ-эшитиш” асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Демак, Чўлпон ижодида кўшма вазндаги шеърлар унинг ритмик интонацион жиҳатдан ташкиллантириш, маъно мазмунни кучайтириш, фикрни алоҳида таъкидлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, Чўлпон XX аср бошлари ўзбек шеърятини мазмун ва шакл, руҳ ва оҳанг, услуб ва бадий тил жиҳатидан том маънода янгилади. У бармоқ вазнининг содда ва кўшма вазнларида беш ҳижодан ўн олти ҳижогача бўлган ранг-баранг шеъррий намуналар яратди. Шу жиҳатдан, Чўлпонни янги ўзбек шеърятининг асосчиси, деб айта оламиз.

Адабиётлар:

1. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. —Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
2. Фитрат. Аруз ҳақида./Танланган асрлар. V жилд. —Т.: Маънавият, 2010.
3. Н. Афоқова. Жадид шеърятини поэтикаси. —Т.: Фан, 2005.
4. У. Тўйчиев. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. —Т.: Фан, 1966.
5. Лотман Ю. М. Анализ поэтического текста. —Л., Просвещение, 1972.
6. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). 2 жилд. —Т.: Фан, 1991.
7. Д. Қурононов. Адабиётшунослик назарияси асослари. —Т.: Navoiy universiteti, 2018.

(Тақризчи: А. Сабирдинов – филология фанлари доктори).

УДК: 821.512. 420

**МЕДИТАТИВ ШЕЪРИЯТДА ТАРИХИЙ ЎТМИШ ВА АЖДОДЛАР ОБРАЗИНИНГ
МЕТАФОРИКЛАШУВИ (А. Орипов шеърияти мисолида)**

**ИСТОРИЧЕСКОЕ ПРОШЛОЕ И МЕТАФОРИЗАЦИЯ ИЗОБРАЖЕНИЯ В
МЕДИТАТИВНОЙ ПОЭЗИИ (на примере поэзии А. Арипова)**

**METAPHORICAL STATE OF THE HISTORICAL PAST AND THE IMAGE OF
ANCESTORS IN MEDITATIVE POETRY (on the example of A. Aripov's poetry)**

Г.Эрназарова¹¹ Г.Эрназарова

— Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ мустақил тадқиқотчиси, филология фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада медитатив лирикага хос марсиявийлик, тарихий ўтмиш ва машхур тарихий, адабий, санъаткор шахслар образининг метафориклашуви ҳолати Абдулла Ориповнинг бир нечта шеъри мисолида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье анализируется ситуация медитативного лиризма, историческое прошлое и метафорическое состояние образа известных исторических, литературных и художественных деятелей на примере нескольких стихотворений Абдуллы Арипова.

Annotation

This article analyzes the situation of meditative lyricism, the historical past and the metaphorical state of the famous historical, literary and artistic figures' images on the example of several poems by Abdulla Aripov.

Таянч сўз ва иборалар: медитатив лирика, Абдулла Орипов, марсия, тарихий шахс, образ, аждодлар образи, ўзбек шеърияти.

Ключевые слова и выражения: медитативная лирика, Абдулла Арипов, марсия, историческая личность, образ, образ предков, узбекская поэзия.

Keywords and expressions: meditative lyrics, Abdulla Aripov, mourning, historical figure, image, image of ancestors, Uzbek poetry.

Назарияга доир махсус илмий луғатларда қайд этилишича “медитатив лирика бирикмаси лотинча meditation сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг таржимаси теран мушоҳада деган маънони англатади” [4]. Ижодий жараён, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси ҳақидаги тушунча ва талқинлардан келиб чиқадиган бўлсак, бу тушунчанинг ижодкор шахсияти билан боғлиқлиги маълум бўлади.

Н.Г.Поспеловнинг фикрича, медитативлик лириканинг бошқа адабий турлардан фарқланишига омил бўладиган муҳим унсурлардан биридир. Чунки лирика “оламнинг ботиний шакли” (Г.В.Ф.Гегель) бўлиб, бу тур характерини тўла ифодалайди. Агар эпос ўз объектини “ўзга” сифатида кўрсатса, лирика “ўзиники” сифатида қабул қилади. Эпосда инсон, жамият ва табиатнинг ташқи олами, ҳаракат ва ҳолатлари асосий тасвир объекти вазифасини бажаради. Шунинг учун эпосда интуитив фаҳмлаш имкони чекланган.

Ёзувчи эса ўз предметини билвосита тушунади, англайди ва кўради.

Г.Н.Поспелов Г.В.Гегелдан келиб чиқиб шундай ёзади: “Ботиний олам шакли” тушунчаси остида, шубҳасиз, шоирнинг ўй ва ҳисларини ифодаладиган, ўз ичкараси ёки ташқи оламга теран мурожаат акс этадиган лирик медитацияни тушунмоқ керак. Гегелнинг фикрларини давом эттириб қайд этиш мумкинки, медитатив шеърият ушбу адабий турнинг асосий ўзига хос хусусиятини намоён этади” [2,63.].

Олимга кўра, медитативлик шоирнинг ўз-ўзига ва ташқи оламга индивидуал муносабатидир. “Медитатив лирика инсон ижтимоий онги характерлиги, асосан, шоир шуурининг бевосита бадиий акс этиши ҳисобланади” [2,64]. Бунда шоир ўз мамлақати, ижтимоий-маънавий муҳити, даври руҳий ҳаёти чизгиларини теран англайдики, айнан шу шоирлик, лириклик, индивидуаллик, яъниким медитативликнинг ўзидир.

Ўзбек шеърятининг сара намуналарини таҳлилий кузатиш шуни кўрсатадики, А. Орипов шеърятда бундай жиҳатлар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Масалан, “Мўмин Мирзо” шеъри шундай бошланади:

Ҳазрат Навоийнинг назари тушган,
Юрагида балки шеър қони жўшган.
Ғунчадек қалбида қони увишган,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар...
[1,227]

Биринчи сатрни ўқишдаёқ гап Алишер Навоий яшаб ижод этган давр, XV аср воқеалари ҳақида кетаётгани аниқ сезилади. Ўқувчи маълум у машҳур Мўмин Мирзо воқеасини ёдга олади. Тож-тахт талашишлар, ўзаро ички низолар, ота-бола ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб султон Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли Бадиуззамон фожиавий кулфатга учрайди. Унинг ўғли Мўмин Мирзони Бойқаро атрофида ин қуриб олган салтанат душманлари қатл этадилар. Айш-ишратга муккасидан кетган султон мастлик ҳолатида бу фармонга билмасдан имзо чекиб юборади. Бу пайтда Навоий Астрободда бўлиб шундай мудҳиш фожианинг олдини олишга улгурмайди ва ҳ.к. Тарихий манбаларда, қатор драматик, шеърий ва прозаик асарларда бу воқеа атрофлича ҳикоя қилинади. Унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритилади. Муҳит, муайян шахслар, маънавий тубанлашув сингари сабаблар айтилади. Аммо шоирни бу шеърни ёзишга ундаган нарса, бизнингча, воқеанинг ўзи ёки ижтимоий-маънавий жиҳати эмас. Тўғри, шоир бир нечта бандларда бу ишнинг “қабохат”, “таҳқир” эканига урғу беради. Худбин амирлар, мансабдорларнинг ор-номус, диндан йироқликлари, “бобо”нинг “майпараст”лигини эслайди. Жиноятнинг салтанат васвасида бўлганидан сўзлайди:

Сенга салтанатнинг қандай даҳли бор,
Сен-ку маъсум гўдак, покиза дилдор.
Олим бўлармидинг, балки санъаткор,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар...
[1,227]

Айни пайтда, худди шу банддан бошлаб, шеърдаги марсиявий оҳанг кучая боради. Шоирнинг асл мақсади очилади. У юртнинг бир фидойи фарзанди сифатида ўз аждодлари қилмишларидан афсус чекади. Тож-тахт деб ўлдирилган Мўмин Мирзо ҳолига йўғлайди. Уни йиғи-йўқлов қилар, келжакда буюк бир инсон бўлиши мумкинлигидан қайғурар, бор-йўғи бир гўдак эканини таъкидлар экан, шеърнинг марсиявийлик жиҳати аниқлашади.

Ўқувчи ўтмишда жувонмарг қилинган гўдак болага ачина бошлайди. Айниқса, Бадиуззамон ҳолати акс эттирилган мана бу банд ўзбекона йўқлов мазмуни ва оҳангини кучайтиради:

Топганлари заҳар, тўққанлари қон,
Қандай замон экан, дўстлар, у замон.
Болам деб, оҳ чекар Бадиуззамон,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар...
[1,227]

Аммо бу дегани шеър буткул марсия руҳида, тарихий воқеагагина бағишлаб ёзилди дегани эмас. Чунки воқеа бундан беш юз йил илгари руй бериб бўлган. Мўмин Мирзо шоирдан камида беш аср олдин яшаб ўтган. Шунга қарамасдан шоир унга нисбатан “укам” деб мурожаат қилади. Бир гўдакнинг ўлимига ачингандек ачинади. Шеърнинг нозик нуқтаси, тарихий воқеага доир медитатив мушоҳадани шоир замони – XX аср билан боғлаб турадиган жойи шу ерда. Шоир мана шу биргина сўз орқали бу воқеани умумбашарий даражага кўтаради. Мўмин Мирзо воқеаси остида салтанат, нафси аммора, ҳасад, кўролмаслик оқибатида ўлдирилган ва ўлдирилаётган барча ўсмирларни назарда тутаяди. Шеърнинг биринчи бандида келадиган “Ғунчадек қалбида қони увишган” гўдаклар ҳамон бундай фожиаларга учраётганини таъкидлайди. Бу “увишган қон” сифатлаши ва “ғунчадек қалб” ташбеҳи орқали нобуд бўлган болалик, ўсмирликнинг қанчалар фожиавий ҳолат эканини ўқувчига яққол ҳис эттиради. Ғунчадек очилмаган, очилишга улгурмай қонига беланган тақдирлар ҳақида фикр юритади.

Сен-ку йўқсан, аммо қотиллар яшар,
Ҳамон гўдакларга пичоқ қайрашар.
Қачон пок бўларкан булардан башар.
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар...
[1,227]

Ушбу бандда ҳақиқатдан ҳам шеърнинг тарихий воқеага шоир яшаётган даврдан туриб, субъектив мушоҳадавий муносабат билдирилгани яққол очилади. Башарият ҳамон ўз ботинидаги ёвуз туйғулардан қутула олмайётгани, бундай ғайриинсоний истаклар алалоқибат уни ҳалокатга бошлаши мумкинлигига эътибор қаратилади.

Шоирнинг “Отелло” шеърда ҳам шунга яқин усул қўлланилган. Тарихий ҳақиқат уч шахс ва уч даврда лирик-медитатив тарзда уйғунлаштирилган. Шекспир қаҳрамони Отелло яшаган замон, Отелло ролини театр сахналарида бетақдор ижро этиб доврў қозонган актёр Аброр Ҳидояттов замони ва лирик “мен” ёки шоир А.Орипов яшаган давр.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шоир Чигатой қабристониди буюк актёрнинг қабрини зиёрат қилиш асносида ўтмишда қолган икки тарихий даврга ассоциатив саёҳат қилади. Бироқ юқоридаги шеърдагидек бундан ҳам кўзлаган мақсади тарихий воқеалар ҳақида сўзлаш эмас. Ёки шеърга соф марсиявий оҳанг бахш этиб, ўтган актёрни йўқлов қилиш ҳам эмас. Шеър давомида шоирнинг асл мақсади бир-бир очила борадики, буни куйида шеър матни таҳлили асосида кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Чигатой кўчасин сўл томонида –
Ўтсангиз муқаддас хилона тараф,
Саноксиз қабрлар ғаладониди
Ўтибди Отелло – у Буюк Араб... [1,178]

Дастлабки сатрларда шоир ўзига хос бадиий кўчим ишлатади. Чигатой қабристониди Отелло ётибди деган бадиий кўчимга айлантирилган хабар билан ўқувчини “чалғитмоқчи” бўлади. Ҳолбуки, тарихий фактлар бу хабарни тасдиқламайди. Асли Венециялик маврлардан бўлган буюк сарқарда воқеаси Оврупо худудида бўлиб ўтган. “Отелло” трагедиясининг муаллифи Вильям Шекспир асар бошида Отелло образига: “Аслзода араб. Венеция давлатининг аъёни” тарзида изоҳ беради [3. 154]. Буни ўқувчи ҳам билади. Аммо шеър шу тарзда давом этаверади:

Мен баъзан шу йўлдан уйга қайтаман
Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг қошини.
Отелло шаънига салом айтаман,
Зиёрат қиламан мазор бошини... [1,178.]

Шоир яна “чалғитиш”да давом этади. Чигатой қабристони ва унда дафн этилган шахс қисматиға ўзини гувоҳ қилиб кўрсатади. Сўнгра дабдурустдан Отеллога мурожаат келади:

Арабий кулонкир – Ғарбнинг хўжаси,
Майлига, гапимга қилма эътироз.
Менман, бу ўзбекнинг даҳрий жўжаси,
Уйқашга ўхшайди исмимиз бир оз... [1,178]

Бу мурожаат ҳам олдинги поэтик мақсадни кучайтиришга хизмат қилади.

Юморга йўғрилган қисқа қиёс воситасида шоир Отелло шахсининг кимлигини ўқувчига билдиради. Шу билан биргаликда бу шахсга бўлган ҳурмати ва эҳтиромини ифода этади.

Хўш, бу каби ўзига хос семантик структурал мураккабликнинг боиси нима? Сабаб шоирнинг ушбу тарихий шахсга бўлган ички муносабати. Шоир мана шу бадиий усул билан буюк тарихий шахс субъектиға ўз субъектини солиштирмоқда. Лирик “мен”ни тўлқинлантирган, мафтун этган сифатлар шу

шахсда бор. Шоир ҳам худди Отеллодек “қўлда ханжар”, “дилда олов” билан севишни хоҳлайди. Отеллодек “рашк” оловида ўртанмоқчи, рақибларидан у каби нафратланмоқчи. Аммо уни биров “телбадек севарди” дея олмайди. Отелло кўлидаги ханжар эса шоир замонасига келиб қизларнинг кўлига ўтган. Яголар эса янада маккорлашган. Шоир қалбига изтироб солаётган ҳолатлар шу. Лирик “мен” ўз орзуларининг амалга ошмаслиги, ҳар бир жойининг ўз тош-тарозиси борлигини яхши англайди. Фақат уни қайғуга солаётган бир нарса бор: шундай улугвор туйғуларнинг йўқолиб бораётгани:

Шу шўрлик заминни кетмангиз ташлаб,
Муқаддас туйғулар, олий туйғулар.
Бизнинг руҳимизга ҳокимдир баъзан
Қаноат аталмиш ожиз бир сезги.
Отелло, Отелло сенинг ишқингдан
Ҳайратга тушишнинг ўзи бир севги...

[1,179]

Мана шоирни Отелло тарихига мурожаат этганининг асл сабаби. Бу замонасининг вакили сифатида ўзининг ботиний ҳолатидан қониқмаётган лирик “мен” иқрори. Замонасини тарқ этаётган нафис инсоний туйғулар учун изтироб чекаётган шоир армони.

Шеър тарихий моҳият эътибори билан актёр Аброр Ҳидоятлов қабри устида ёзилган. Лекин шеърнинг охири бандигача у ҳақда бир оғиз ҳам сўз айтилмайди. Шоирнинг юксак даражадаги медитатив мушоҳадаларини шеърий ифода этишда Аброр Ҳидоятлов шахси, Чигатой хилхонасидаги қабри бир восита вазифасини бажаради, холос. Восита қилиш асносида шоир актёр замонасининг ўз даврига нисбатан севги, рашк, нафрат бобида юқорироқ бўлганини таъкидлашни ҳам унутмайди. “Буюк актёр” бирикмаси орқали мана шундай қарашларини изҳор этишга эришади:

Ролингни ўйнаса, рашк қилиб мана,
Қабрга тиқибсан буюк актёрни [1,179].

А. Ориповнинг 80-йилларда ёзилган “Одамлар” шеъри миллатимиз ижтимоий турмуш тарзига хос характерли жиҳатларни ўзида намоён этиши билан соф медитатив мазмунга эга. Бу шеърни ҳаттоки ўзбекона ижтимоий тафаккур, маънавий қадриятлар, урф-одат, миллатнинг асл вакиллари табиатини ифодалашни нуқтаи назардан миллий медитатив лирика намунаси десак хато қилмаймиз. Чунки бунда тасвирланган инсонлар табиати бошқа бир миллат кишиларида бўлмаслиги мумкин. Шоир миллий характерга хос мана шундай нозик нуқтани